

**САЙЛОВ ЖАРАЁНЛАРИГА ЗАМОНАВИЙ  
АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ  
ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

**О. Каримжонов**

ТАТУ Ахборот хавфсизлиги магистранти  
[oybek.karimjanov13@gmail.com](mailto:oybek.karimjanov13@gmail.com)

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада мамлакатимизда демократик тамойилларнинг амалдаги ифодаси бўлган сайлов жараёнларини ташкил этиш, уларни адолатли ва шаффофф ўтказилишини таъминлашда ахборот коммуникация технологияларини қўллашнинг ва замонавий усулларни жорий этишнинг ўзига хос тенденциялари ҳамда илфор инновацияларни қўллашнинг зарурияти ва хуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Сайлов кодекси, халқаро сайлов тамойиллари, сайлов участкаси, ахборот-коммуникация технологиялари, ахборот тизими, электрон рўйхат, маҳсус вебпартал, оммавий ахборот воситалари.

**ABSTRACT**

The article discusses specific trends in the use of information and communication technologies and the introduction of modern methods in the organization of electoral processes in our country, which are a practical expression of democratic principles that ensure their fair and transparent conduct, as well as the need and improvement of the legal framework.

**Keywords:** Election Code, international election principles, polling station, information and communication technologies, information system, electronic list, special web portal, media.

**КИРИШ**

Демократик тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган Мустақил Ўзбекистоннинг энг улуғ мақсади, аввало, халқимизнинг манфаатлари кўзланган буюк ислоҳотларни амалга оширишдир. Мамлакатимиз миллий тараққиётининг янги босқичини бошлаб берган Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти замирида ҳам, давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини,

юртимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз даҳлсизлигини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик мұхитини янада мустаҳкамлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини ва адолатли бошқарув тизимини вужудга келтириш каби инсонпарвар мақсадлар мүжассам.

Ривожланган мамлакатларда сайлов жараёнларида замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланилиши сайловнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашнинг асосий омили сифатида қаралмоқда. Таъкидлаш жоизки, бугунга келиб замонавий ахборот технологияларининг сайлов жараёнига таъсири ҳам сезиларли даражада ошиди. Сўнгги йилларда сайлов амалиётида ахборот-коммуникация технологияларининг янги имкониятларидан фойдаланиш бўйича муайян тажриба тўпланди. Бу фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг Ўзбекистон Конституцияси ва миллий қонунчиликка, халқаро сайлов стандартларига мувофиқ, амалда таъминланишига замин яратмоқда.

## **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ**

Мамнуният билан қайд этиш лозим, 2021 йил 24 октябрь янгиланиб, яшариб, демократик тараққиётининг янги сахифаларини очиб, шиддатли инсонпарвар ислоҳотларни амалга ошириб дунё ҳамжамиятига уйғунлашиб бораётган янги Ўзбекистонимиз ижтимоий-сиёсий хаётида сўзсиз тарихий ахамиятга молик сана сифатида мухрланиб қолади.

Бу борада, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2019 йил 25 июнда қабул қилинган ва яқинда кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари даҳлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик мұхитини таъминлаш учун мұхим пойdevor бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратилганлиги эътироф этилган.

Мамлакатимизда сайлов жараёнларини сифатли ташкил этиш ва ўтказишида харажатларни оптималлаштириш ҳамда шаффоф тезкор тўлиқ маълумотлар базаларини яратиш борасида кўплаб меъёрий хужжатлар қабул қилинди.

Хусусан, замонавий АКТни татбиқ этиш орқали сайлов жараёнини ислоҳ қилиш Ҳаракатлар стратегиясини 2018 йилда амалга оширишга доир давлат дастурида кўзда тутилган эди. Бу хужжатда замонавий АКТ кенг жорий этилиши мамлакатдаги сайлов жараёнини янада такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилди.

Таъкидлаш жоизки, сайлов жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 октябрдаги “Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3961-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 августдаги “Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва юритиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 630-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 9 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида”ги қарорларининг қабул қилиниши хуқуқий базанинг муҳим таркибий қисми бўлиб муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, юқорида келтирилган меъёрий хуқуқий хужжатларда сайлов жараёнини ривожлантиришнинг устувор вазифалари билан бирга, ушбу соҳада АКТдан кенг фойдаланиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида энг муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Таъкидлаш жоизки, АКТни кенг жорий этиш йўли билан миллий сайлов жараёнини янада такомиллаштиришга қаратилган биринчи қадам сифатида Ўзбекистонда 2017 йили сайловчиларининг ягона электрон рўйхатини шакллантириш борасида ишлар бошланди. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан “Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва юритиш тўғрисида”ги низом тасдиқланган эди. Мазкур ахборот тизими 2017 йил декабрь ойида Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашига сайловларда синовдан ўтказилди ҳамда у хорижий ва маҳаллий мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди. Эндиликда ушбу йўналишдаги энг муҳим вазифа – сайлов жараёнини бошқариш ахборот

тизимини жорий этиш, бутун мамлакат бўйлаб сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва такомиллаштиришдан иборат бўлди.

Хозирда миллий сайлов жараёнида замонавий АКТ кенг кўламда қўлланилмоқда. Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими (кейинги ўринларда СЖБАТ юритилади), сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати (кейинги ўринларда СЯЭР юритилади), сайлов жараёнларини видеокузатув, интерактив хизматларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти (масалан, “Ўзингизни сайловчилар рўйхатидан топинг”, “Сайлов участкасини аниқлаш ва ўзгартириш” ва бошқалар) ва “Sailov2021” маҳсус вебпортали, электрон почта, маҳсус телеграм бот, фейсбуқ, инстаграм, ютуб ва твиттердаги тезкор хабарлар, сайлов комиссиялари аъзолари тезкор фойдаланиши учун маҳсус мобил иловалар шулар жумласидандир. Яратилаётган бундай кенг имкониятлар сайлов жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилаёттир.

Айни пайтда мазкур соҳадаги ислоҳотларни амалга ошириш энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб олинди ва қатор хужжатлар қабул қилинди.

Ушбу жараёнга Марказий сайлов комиссияси томонидан умумий раҳбарликни ва мувофиқлаштиришни амалга ошириш, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ягона технологик ёндашувларни амаамалга ошириши, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси реестрларни юритиш ва “UNICON.UZ” — “Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари” маркази давлат унитар корхонаси ушбу тизимни яратиш ва унга техник хизмат қўрсатиш вазифаларини амалга ошириш мақсадида жалб этилган.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва ундан сайловда сайловчиларнинг электрон рўйхатини тузиш, аниқлаштириш ва улардан фойдаланиш тартиби Марказий сайлов комиссиясининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисида”ги Низомида ҳам ўз аксини топган. Шунингдек, фуқаролар сайлов хуқуқларининг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш ва бир-неча бор овоз беришнинг олдини олишга

қаратилган “Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидан фойдаланишнинг айrim масалалари тўғрисида”ти Марказий сайлов комиссиясининг маҳсус қарори қабул қилинди.

Сайлов жараёнига ахборот коммуникация технологияларини татбиқ этиш бўйича кўрилган амалий чора-тадбирлар қаторида қуидагиларни алоҳида кўрсатиш мумкин:

- СЯЭРни шакллантириш доирасида 2018 йилнинг ноябридан 2019 йилнинг апрель ойига қадар уйма-уй юришлар орқали аҳолини рўйхатга киритиш ташкиллаштирилди. Фуқароларнинг паспорт маълумотлари етти миллионга яқин кўчмас мулк обьектлари кадастр рақамига бириктирилди. Натижада 20,5 миллиондан ортиқ сайловчидан ташкил топган СЯЭР шакллантирилди ва улар сайлов участкаларига автоматик равишда тақсимланди;

- сайлов кампанияси даврида участка сайлов комиссиялари томонидан яна бир марта уйма-уй юрилиб сайловчилар рўйхати аниқлаштирилди. Сайловлар давомида ташкил этилган барча 6720 сайлов округи ва 10260 сайлов участкаси СЯЭР билан ишлаш учун интернет тармоғига уланди. Мавжуд телекоммуникация тармоғи орқали интернет хизматларини кўрсатишнинг техник имконияти мавжуд бўлмаган олис ва тоғли ҳудудларда жойлашган 40 га яқин сайлов участкаси интернет тармоғига сунъий йўлдош алоқа тизими орқали уланди;

- 60 та сайлов участкасига 120 та видеокузатув камералари трансляцияси МСКнинг халқаро матбуот марказида ва веб-сайтида, шунингдек, “O‘zbekiston-24” телеканалида намойиш қилиниши орқали сайлов жараёнларини реал вақт режимида тўғридан-тўғри кузатиб бориш имконияти яратилди;

- тажриба тариқасида 20 та сайлов участкасида сайловчилар паспортларининг биометрик маълумотларини идентификация қилувчи 60 та мослама ўрнатилди, ушбу ахборот тизимида Олий Мажлис аъзолари, вилоят ва туман (шаҳар) сайлов округлари, сайлов участкалари тўғрисидаги маълумотлар тўпланди. Марказий сайлов комиссияси веб-сайтида “Ўзингизни сайловчилар рўйхатидан топинг” хизмати ишга туширилди, ундан 110 мингдан ортиқ фуқаро сайлов кампанияси давомида фойдаланди.

Ўзбекистонда жорий йилнинг 24 октябр кунида бўлиб ўтадиган президент сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияларининг

қарорларига асосан республика бўйича жами 10760 та сайлов участкаси тузилди. Сайлов участкаларининг асосий қисми таълим муассасаларининг биноларида жойлашган (1-жадвал).

### **Президент сайловини ўтказиш бўйича сайлов участкаларининг таъсимоти\***

/р	Сайлов участкалари белгиланган жой	Сайлов участкалари сони
	Таълим муассасаларида	7346
	Маҳаллалар биноларида	573
	Тиббиёт муассасаларида	452
	Маданият ва спорт марказларида	322
	Ишлаб чиқариш корхоналарида	206
	Давлат хизматлари агентлиги биноларида	93
	Санаторийларда	33
	Савдо марказларида	16
	Ҳарбий қисмларда	145
0	Озодликдан маҳрум этиш ва қамоқда сақлаш жойларда	20
1	Бошқа турдаги корхона, ташкилот ва муассасалар биноларида	414
2	Хорижий давлатлар ваколатхоналарида	54

\*Манба: Маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси.  
<https://kun.uz/news/2021/08/25/prezident-saylovini-otkazish-boyicha-10-mingdan-ortiq-saylov-uchastkasi-tuzildi>

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики сайлов жараёнига ахборот коммуникация технологияларини жорий этилиши нафақат Ўзбекистон Республикаси бўйича белгиланган округлардагина, балки дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ҳузурида ҳам интернет орқали жорий этилганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Айниқса, мамлакатимизда Республикаси Президенти сайловини ўтказишида коронавирус инфекцияси

(COVID-19) хавфи мавжудлиги яна бир бора сайлов жараёнига ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш объектив зарурият эканлигини тасдиқлайди.

МДХ Парламентлараро ассамблеяси эксперталар гурухи ҳисоботида эксперталар гурухининг кузатуви натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори Ўзбекистон тарихида илк бор Қонунчилик палатасига сайловлар учун сайлов кампанияси бошланишига қадар СЯЭР ва сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими шаклланишига имкон яратди. АКТдан фойдаланиш сайлов жараёни ташкилотчилари ишини сезиларли енгиллаштиришга, сайлов қонунчилиги бузилишини истисно қилишга имкон яратадиган таъкидланди. “Бундан ташқари, рақамли технологиялар сайловчиларнинг сайлов ҳуқукларидан фойдаланиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирди. Масалан, чет элдаги фуқаролар saylov.mfa.uz веб-сайти орқали хориждаги сайлов участкаларига сайловчилар рўйхатига киритишни сўраб электрон шаклда мурожаат қилиши мумкин эди. Умуман олганда, сайлов кампанияси даврида чет элда бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига қийинчиликлариз овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланиш учун қулай шароит яратилганлиги таъкидланган.

Маълумки, умумийлик, тенглик, эркинлик, адолатлилик, махфийлик, очиқлик ва ҳисобдорлик умумэътироф этилган халқаро сайлов тамойиллари ҳисобланади. Ушбу демократик тамойилларнинг амалдаги ифодаси сайлов пайтида ҳар бир овоз ҳисобга олиниши ва ҳар бир фуқаро давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда бевосита иштироқ этишида ўз аксини топади.

Бундан ташқари, сайлов жараёнида сайловчилар рўйхатига киритилганлар сони-салмоғи асосида, масалан, маъмурий бирликлар сони ва сайлов участкаларининг жойлашуви, сайлов участкаларига етказилиши лозим бўлган бюллетенлар ва сайлов материалларининг миқдори, овоз беришда қатнашганлар сони кабилар билан боғлиқ муҳим қарорлар қабул қилинди.

Миллий қонунчиликда СЯЭР ваколатли давлат органларининг ахборот базаларига мувофиқ сайловчи фуқаролар, уларнинг доимий ва вақтинча яшаш жойлари манзиллари ҳақидаги ахборотни ўз ичига олган давлат ахборот ресурси сифатида таърифланади.

Фикримизча, сайлов жараёнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этилишининг афзалликлари шундан иборатки, сайлов жараёнлари учун харажатлар камайишига, шаффофф ҳамда тезкор маълумотлар олинишига, вақтнинг тежалишига, фуқороларнинг ушбу жараёнда тўлиқ ва фаол иштирок этишида қулай шароитлар яратади, шунингдек, мамлакатимизда COVID-19 хавфини янада олдини олишда кенг имкониятларга эришилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан фуқароларнинг кўчмас мулк обьектлари кадастр рақамлари ва улар жойлашган манзили маълумотларини тақдим этиш белгиланиши СЯЭРни шакллантиришда қулайликлар яратилганлигини юкорида кўриб ўтдик, бироқ, фуқороларнинг шахсий мулкига оид маълумотларни сақлаш хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг ҳукукий асосларини такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратиш лозим бўлади.

## ХУЛОСА

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, хорижий экспертлар томонидан қисқа давр ичида Ўзбекистон халқи ва ҳукумати прагматик ва чинакам демократик йўлни босиб ўтганлиги, бу йўлнинг юксак самаралари халқаро ҳамжамият томонидан аллақачон тан олинганлигини эътироф этиш мумкин.

Юртимизда қарор топган тинчлик ва ободликнинг қадрига етувчи халқимизнинг Президент сайловида фаол иштирок этиб, энг муносиб номзодга овоз беришига шубҳа йўқ. Буни “Ижтимоий фикр” маркази маълумотлари ҳам кўрсатиб турибди: келажакка комил ишонч билан яшаётган Ўзбекистон аҳолисининг 88,2 фоизи бўлажак Президент сайловида иштирок этишга тайёр.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2017 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси. 2019 йил 25 июнь.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида” ЎРҚ-683-сон Қонуни. 2021 йил 21 апрель.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 -сон Фармони. 2017 йил 7 февраль.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3961-сон қарори. 2018 йил 4 октябрь.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхатини шакллантириш ва юритиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 630-сон қарори. 2017 йил 15 август.
7. Ўзбекистон жамоатчилик фикри-2021. <https://ijtimoiyfikr.uz/matbuot-uchun/yangiliklar/2227.htm>.
8. Президент сайловини ўtkазиш бўйича сайлов участкаси тузилди. [uznews.uz/news/2021/08/25/prezident-saylovini-otkazish-boyicha-10-mingdan-ortiq-saylov-uchastkasi-tuzildi](http://uznews.uz/news/2021/08/25/prezident-saylovini-otkazish-boyicha-10-mingdan-ortiq-saylov-uchastkasi-tuzildi).